Yangi Oʻzbekistonda el aziz, inson aziz

# IMKONIYAT

Oʻzbekiston Nogironlar Assotsiatsiyasi nashri

Ijtimoiy-siyosiy, huquqiy va madaniy gazeta • t.me/imkoniyat gazetasi • № 9 son (9) • 2024 yil 8 may • chorshanba

# 9 май – Хотира ва қадрлаш куни

















● Жамоатчилик назорати

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ИНСОНЛАРНИНГ ЖАМОАТ ОБЪЕКТЛАРИДАН ЭРКИН ФОЙДАЛАНИШЛАРИ УЧУН ШАРОИТЛАР МАВЖУДМИ?

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмаги асосида Наманган вилоятида ўтказилган жамоатчилик назорати натижалари.**

**Гуллар ва тадбиркорлар шаҳри Наманган ўзининг тарихий мақбаралари, озода, гўзал, шинам, гулга бурканган кўчалари, бой тарихи ва муқаддас зиёратгоҳлари билан ажралиб туради. Айниқса, вилоятдаги бир қаватли анъанавий уйлар ва ғайриоддий бинолар ҳар қандай кишини мафтун этади. Жумладан, Мулла Қирғиз мадрасаси, “Биби она” ёдгорлиги, Наманган мақбараси, Афсона боғи, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Хўжа Амин Кабри мақбараси, Мавлон-Бува мажмуаси, Исҳоқхон Тўра Ибрат музейи ана шулар жумласидандир.**

Наманганда ғайриоддий сувенирлар ясайдиган ҳунармандлар, усталар кўпчиликни ташкил қилади. Энг кўп тарқалган ҳунарлардан бири новвойчилик. Наманганлик новвойлар нафақат мамлакатимиз бўйлаб, балки АҚШ, Корея, Қозоғистон ва бошқа ўнлаб мамлакатларда ҳам новвойчилик қилади. Айниқса, Наманганда тикилган костюм-шимларни айтмайсизми?! Бежирим, сифатли тикилган костюм-шимлар ҳозирги кунда МДҲ давлатлари ва Европа бозорларигача етиб борди. Чуст шаҳри ҳунармандларининг ҳам ноёб пичоқларни тайёрлаш техникаси бизга асрлар оша етиб келган десак муболаға қилмаган бўламиз. Чуст пичоқларини қўлга олган киши, албатта, ишлаб чиқарилган жойи ва уни яратган уста номини билиб олади. Боиси, ҳар бир пичоққа уста номи ва жойи ёзилиб, тутқичлари ўзгача илҳом билан ясалади. Бир сўз билан айтганда, Наманган ҳунармандчилик шаҳри сифатида машҳур. Бу ерда энг яхши тўқувчилар, кулоллар, темирчилар, мисгарлар ва заргарлар яшашади. Наманган бўйлаб сайр қилсангиз, юзлаб устахоналарни учратишингиз мумкин ва уларнинг ҳар бири ўзига хосдир.

(Давоми 3-бетда).

● ”Ўзэкспомарказ”да ярмарка

## «ИНСОН УЧУН» САВДО КЎРГАЗМАСИ

**Жорий йилнинг 1-2 май кунлари ”Ўзэкспомарказ”да ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг “Инсон учун” деб номланган республика савдо кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб белгиланиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳар бир инсон учун тенг шароитлар яратиш кафолатланган. Шу мақсадда ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатини рағбатлантириш, тазйиқ ва зўравонликка учраганларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада аҳолига кенг имконият яратиш мақсадида ходимлари сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бор шахслардан иборат бўлган барча ташкилотлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг маҳсулотларини давлат буюртмаси бўйича тўғридан-тўғри шартнома асосида харид қилишга рухсат бериш таклиф этилмоқда. Бунинг натижасида 3 мингга яқин тадбиркорлар томонидан қўшимча 20 минг нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш имкони яратилади.



Шуни таъкидлаш керакки, юртимизда ишчиларининг 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат 669 та корхона ҳамда 8 минг 300 нафар якка тартибдаги тадбиркор бор. Пойтахтимизда ўтказилган ушбу савдо кўргазмасида уларнинг маҳсулотлари намойиш этилиб, 360 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

“Инсон учун” республика савдо кўргазмасида Ўзбекистон Ногиронлар ассоциациясининг 15 та унитар корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан иштирок этдилар.

Савдо кўргазмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Ижтимоий ҳимоя” миллий агентлиги ташаббуси билан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

**У. АМИНОВА.**

● Ижтимоий ҳимоя

## ОДАМЛАР КОРИГА ЯРАГАН ИНСОН

**Оила ҳар бир одамни чинакам инсон қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Моҳиражон 6 нафар ака-ука, опа-сингиллари билан вояга етди. Шу боис, унга ҳеч ким ортиқча диққатини қаратиб, эркалатмас, ҳатто инжиқликларига эътибор ҳам қилишмасди. Қизалоқ эса барча ишларини батартиб қилиб, катталарнинг назарига ўзи тушишга интиларди. Моҳиражон укаси ва сингилларига ҳам ёрдам қўлини чўзар эди. Уйда ҳамма ташвишлардан ҳам Моҳиражоннинг мактабдан олиб келган яхши баҳолари кўпроқ қадрланарди. Дарсларни яхшироқ тайёрлаб, яхши баҳолар олиш унинг учун энг кўнгилли иш эди. У 8-синфни тугаллаганидан кейин тумандаги Педагогика билим юртига ўқишга кирди. Косонсойдаги таниқли билим даргоҳида таълим-тарбия ишлари юқори даражада олиб борилар, туманнинг энг билимдон ва салоҳиятли зиёлилари шу билим юртига тўпланган эди.**



Моҳиражон билим юртида ўқиш билан биргаликда бу даргоҳда ўтказиладиган жамоатчилик ишларида фаол бўлди, тўгаракларга қатнашиб билимини оширди, турли беллашувларда иштирок этиб билимда ҳам, турли ҳунарлар эгаллаш борасида ҳам биринчиликни эгалларди. Билим олишга иштиёқи янада ошган қизалоқ олий таълим олиш учун Тошкентга йўл олди. Ҳужжатларини ўша пайтдаги Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига топшириб, кириш имтиҳонларига астойдил тайёргарлик кўра бошлади. Доимо синфнинг ҳаракатчан қизларидан бўлган Моҳиражонга талабалик насиб этди.

Институтни тугаллаб ўзи туғилиб ўсган сўлим маскан Косонсойга қайтди ва тумандаги мактаб-интернатда ўқитувчи бўлиб иш бошлади. Бу пайтга келиб мамлакатимизда улкан ўзгаришлар, янгиланишлар рўй берди. Мустақиллик йиллари бошланиб, ҳамма янгича ҳаётга мослаша бошлади. Айниқса, мустақил ишлашга, тадбиркорликка йўл очилди.

(Давоми 2-бетда).

## ХОТИРА – ЎТМИШ БИЛАН БУГУННИ БОҒЛАЙДИ

**Одамлар учун ҳар лаҳза, ҳар куни учун тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотган хонадон ҳам, юрт ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Инсон хотиржам ишга бориб-келса, фарзандларини эркалаб, таълим муассасаларига кузатиб қўйса, топган бир бурда нонини тотувлик билан дастурхонга қўйиб, ундан баҳраманд бўлса – хотиржамлик мана шу бўлади. Осойишталик билан яшаган одамлар, оиласининг эртаси тўғрисида ўйлай олади. Яъни тараққиётнинг гарови – тинчлик-хотиржамликдир.**

Биз азал-азалдан тинчликсевар халқмиз. Ўзга миллатлар билан муроса, бағрикенглик бизнинг қадриятимиз бўлиб шаклланган. Халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш – бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг халқимизга хос азалий қадриятдир.

Айнан шу ғоя ифодасига бағишланган буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг барида тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса батамом қораланади.

Бу дунё эътиборининг марказида ҳазрати инсон, унинг қадр-қиммати туради. Шуни тан олмаган ҳар қандай ғоянинг мағзи – пуч, пойдевори – бўш, иморати – омонат. Фашизм ҳам, шўро мафкураси ҳам худди ана шу – инсонга, унинг табиати, феъл-атвори, мақсад-муддаоларига зидлиги, унинг эҳтиёжу манфаатларидан келиб чиқмагани учун батамом мағлубиятга учради. Инсонни, унинг табиатини менсимаслик, шахсни шахс ўрнида кўрмаслик эски мафкуранинг мағзи-мағзига сингиб кетган ақида эди. Одамга фақат сиёсий ғоялар йўлидаги бир мурватдек қаралар эди. Сиёсатда ҳам, ҳаётда ҳам шу бемаъни ақидага амал қилинар эди.



Кунлар кунларни, йиллар йилларни қувиб, бу кўҳна чархи фалак шу сирли коинот яралганидан бери айлангани-айланган. Айни шу инсоннинг абадий – боқий эмаслиги онг-шууримизда хотира деган тушунчани пайдо қилган бўлса, ажаб эмас. Негаки хотирагина ўтганларни эслаш, бугунни кечанинг ёди билан тўлдириш, яъни уни янада бойитиш имконини беради. Хотира ва қадрлаш тушунчалари – моҳиятан бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Байрамни янгича номлашда улар ўртасидаги ана шу узвийлик асос қилиб олинган.

Хотира шундай руҳий-маънавий қудратки, у инсоннинг инсонлигини англатувчи, уни ўтмиш ва истиқбол билан боғлаб турувчи буюк қадрият, илоҳий қудратдир. Хотира тиниқлиги – туйғулар тиниқлиги, хотира ёрқинлиги – руҳ ёрқинлиги, хотира тозалиги – ҳаёт тозалиги, ўйлар, орзу-мақсадлар, интилишлар покизалигидир. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни миллий урф-одатларимизга мос ҳолда марҳумларни ёд этиш, тирикларга севинч улашиш каби қадриятлар қаторидан жой олди.

Ушбу кунни яъни 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди. Бу кунда биз ўтмишда ўтган аждодларимиз, хусусан Ватан озодлиги ва халқимизнинг фаровонлиги йўлида жонларини фидо қилиб, бугунги кунда оламдан ўтиб кетган барча фидойи юртдошларимизни ёдга оламиз. Биз ўтганларни махсус бир кунда, хотиралашимиз рамзий маънода бўлиб, аслида ҳар доим, ҳар лаҳзада уларни эслаб дуолар қиламиз, уларнинг ҳаёт йўлларини ўрганиб, улардан намуналар оламиз. Шунингдек, келажак авлод бўлмиш фарзандларимизга ҳам ўтган аждодларимизнинг ҳаёти биз учун улкан намуна эканини уқтириб келамиз.

(Давоми 2-бетда).

● Ижтимоий хизматлар

## ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

**Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишининг белгиланганлиги мазкур соҳани ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.**

Ижтимоий ҳимоя борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ана шу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди. Фармон ижроси доирасида турли вазирликлар таркибида тарқоқ фаолият юритаётган ижтимоий хизматлар бирлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, шунингдек, Агентликнинг вилоят бошқармалари, туман ва шаҳарларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди. Жумладан, Шовот туманида ҳам замонавий, барча қулайликка эга янги бинода “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ўз фаолиятини бошлади.

Шовот туманида жами 178943 нафар аҳоли бўлиб, улар 55 та маҳаллада истиқомат қиладилар. Бугунги кунда биз аҳолининг барча эҳтиёжманд қатламларини ўрганиб чиқдик. Туманимизда жами 5145 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ва 19 нафар ёлғиз кексалар истиқомат қиладилар. Биз уларни ҳисобга олиш билан яшаш тарзлари, ҳол-аҳволлари ва саломатликларини ҳам ўрганиб чиқдик. Шундан кейин Шовот туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази уларга зарур ва сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.

Ўзгариш ва янгиланишларнинг қаноти бўлади. Бундан ҳамма хабар топади. Шу боис, жорий йилнинг апрель ойигача туман «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига жами 3687 нафар фуқаро мурожаат қилди. Уларнинг мурожаатларини 1194 таси кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш бўйича бўлса, 67 таси сиҳатгоҳларга йўлланма олиш ҳақида эди. Шунингдек, 81 нафар фуқаро васийлик иши бўйича, 44 нафар фуқаро эса ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган протез-ортопедик маҳсулотларини олиш бўйича мурожаат қилишган.

Туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига жами 4831 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 65 фоизи жойида ўрганилиб, фуқарога керакли хизматлар кўрсатилди. Хатларнинг 35 фоизи эса ўрганилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ҳозирги кунда туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида 2 та ижтимоий ходим ассистент сифатида иш фаолияти олиб бормоқда. Улар тумандаги 19 нафар ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ўз уйида маиший хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Шуни айтиш керакки, бизга мурожаат қилган ҳар бир инсоннинг вазияти синчиклаб ўрганилмоқда. Марказимизда жисмоний имконияти чекланган ҳамда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хонадонларга индивидуал ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш ташкил этилмоқда.

Янги ташкил этилган комплекс ижтимоий хизматлар жамиятимизда инсон қадрини улуғлаш ва уни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам биз ҳар бир эҳтиёжманд одамнинг мурожаатига алоҳида эътибор билан ёндошмоқдамиз. Бизнинг хизматимиз инсонпарварлик тамойилларини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.



**Рафқат АБДУРАҲМОНОВ,**
**Шовот туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори.**

# ХОТИРА – ЎТМИШ БИЛАН БУГУННИ БОҒЛАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Уруш даҳшатларига гувоҳ бўлган кишиларга эътибор берсангиз, улар қўлларини дуога очганларида юрт тинчлигига кўз тегмасин деб, шундай дориломон кунларга етиб келганликларига шукроналик келтирадилар, айни пайтда, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги энг катта бойлигимиз эканини, бундай осуда ҳаёт, дориломон кунлар қадрига етишни, уни асраб-авайлаш зарурлигини таъкидлайдилар.

Шу ўринда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди. Бу ҳол ёшларни юртпарварлик, меҳнатсеварлик, аждодларининг энг яхши анъаналаридан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлиш руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга.

Хотира ва қадрлаш куни ғоят кенг маънога эга бўлиб, у мустақил Ўзбекистонда асрлар давомида қаҳрамона ўлкамизни ҳимоя қилган, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва халқининг тинчлиги учун курашган ватандошлар хотирасига бағишланиши билан бир қаторда у инсонни қадрлаш куни ҳамдир. Хотира ва қадрлаш куни чинакам миллий-умумхалқ байрамидир, бу кунлари кишилар узоқ-яқинда яшовчи яқинларини ҳолидан хабар оладилар, катта ёшлиларни зиёрат қиладилар ва уларга алоҳида иззат кўрсатилади.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Бинобарин, хотира бу – унутмаслик, деганидир.

Халқимиз уруш йилларида чинакам матонат ва жасорат кўрсатган. Ўзбекистонга бир миллионга яқин киши эвакуация қилинган. Уларнинг 200 мингдан зиёди болалар бўлган. Юзлаб ўзбек оилалари бу болаларни ўз паноҳига олган. Тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар, каттақўрғонлик Самадовлар оиласи 12, бухоролик Жўраев ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 нафардан болани ўз бағрига олган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хотира – бизнинг бойлигимиздир. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жон фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги кунимизни қадрлашга ўргатади. Хотира бу – тарих. У кечаги ўтмишни, аждодлар ўгитини, миллий меросимизни англатиб турувчи – муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Шу боис, инсон ўз хотира бойликларини қадрлайди.

**Ойбек ИСОҚОВ,**
**Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси раиси.**

---

● Меҳр ва мурувват тадбири

## ХАТНА ТЎЙЛАРИГА БАРЧА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси Фарғона вилояти ҳудудий бўлими вилоятда истиқомат қиладиган ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳуқуқий кўмаклар бериш билан биргаликда уларни маънавий, ижтимоий ва моддий томондан рағбатлантириш бўйича бир қанча самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ҳудудий бўлими ташаббуси билан Фарғона шаҳридаги “Наврўз” тўйхонасида хайрия асосида 60 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказиб берилди.



Ўтказилган тадбир ўзига хос меҳрибонлик байрамига айланди. Тўйга шаҳарда истиқомат қилувчи кўплаб каттаю кичиклар ташриф буюрдилар ва тўйлари нишонланаётган болажонларга самимий тилаклар билдирдилар.

Вақф хайрия жамоат фонди Фарғона вилоят филиали болажонларга эсдалик совғалар ва ҳадялар улашди. Тўй маросимига халқимизнинг кўзга кўринган санъаткорлари



ташриф буюрдилар. Улар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, гўзал рақслар меҳмонларга хуш кайфият улашди.

Тадбирда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг вилоят ҳудудий бўлинмаси, Агроинновация жамғармаси масъуллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ходимлари иштирок этишди.

**Амаль СОЛИЕВА.**

---

● Давра суҳбати

# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ШАРОИТИДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ




**Тошкентда Иқлим ўзгариши шароитида ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**Йиғилишни Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси раиси Ойбек Исоқов ва Тошкент шаҳар “ШАРОИТ ПЛЮС” (НЖБ) раиси Муҳаббат Раҳимова очиб бердилар.**

Маълумки, жорий йилнинг 15 апрелидан “ШАРОИТ ПЛЮС” ногиронлар жамоат бирлашмаси АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (УСАИД) томонидан молиялаштирилган ва Евросиё жамғармаси томонидан амалга оширилаётган “Марказий Осиёда ногиронлиги бўлган шахсларга иқлим ўзгаришининг таъсирини юмшатиш” (АДСА) дастури доирасида “Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг иқлим ўзгариши шароитида ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича салоҳиятини ошириш” лойиҳасини амалга ошириш ишларини бошлаб юборди. Лойиҳани ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлаб бориш учун миллий ҳамкор сифатида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бириктирилган эди.

Анжуманда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти ногиронлиги бўлган шахсларни тайёргарлигини ташкил этиш цикли раҳбари Абдулла Нурматов ва шу институт катта ўқитувчиси Гулруҳ Абдуллаева институт фаолияти билан давра суҳбати иштирокчиларини яқиндан таништирдилар.

Мулоқот давомида “Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг иқлим ўзгариши шароитида ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича салоҳиятини ошириш” лойиҳасининг мақсад ва вазифалари баён қилиниб, иқлим ўзгариши шароитида ногиронлиги бўлган шахсларга Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчиларининг фаолиятлари жараёнидаги хизмат кўрсатиш салоҳиятини оширишда нималарга аҳамият берилиши ҳақида фаоллар томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хусусан, ҳар қандай тоифадаги ногиронлиги бор шахслар учун махсус платформалар, форс-мажор ҳолатларида ҳар бирини мустақил ҳаракатланишлари учун алоҳида қоида, кўрсатма, хариталарни ишлаб чиқариш масалалари жаҳон стандартлари кесимида кўриб чиқилди ва бир неча чора-тадбирлар муҳокамасининг лойиҳа дастурлари ҳамкорликда режалаштирилди.

Давра суҳбати доирасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг инклюзив лойиҳаларни ривожлантириш бўйича мутахассиси Мирсаид Мухторов “Иқлим ўзгариши жараёнлари ва унинг оқибатлари” мавзусига бағишланган тақдимот қилди.

Ушбу тадбир Тошкент шаҳар “ШАРОИТ ПЛЮС” ногиронлар жамоат бирлашмаси ташаббуси билан “Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг иқлим ўзгариши шароитида ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича сало-



ҳиятини ошириш” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти, Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ва бошқа ногиронлар жамоат бирлашмалари фаоллари иштирокида бўлиб ўтди.

**Муштарий ТЎЙЧИЕВА.**

---

● Пенсия таъминоти

# МУҲИМ ЯНГИЛАНИШЛАР КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда кексаларни, меҳнатга лаёқатсиз кишиларни ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар кўламли тус олди. Аслида, фуқароларимиз учун қонунчиликда яратилган имтиёзлар бўйича кўплаб ногиронлиги бўлган инсонлар, қариялар ва яна баъзи тоифадаги фуқароларимиз давлатимиздан пенсия оладилар. Шу боис, мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашда пенсия таъминотининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда юртимизда пенсия, ижтимоий нафақа тўлашнинг мукаммал тизимини жорий этиш, эҳтиёжманд оилаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш, бюджет маблағларини мақсадли сарфланишини таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Бундай кўнгилли ўзгаришлардан кўзланган мақсад-муддао битта, у ҳам бўлса одамларни эъзозлаш, айниқса, аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар томонлама кўмаклашиш ва эҳтиёжманд ҳамюртларимизга хизмат қилиш кўламини янада кенгайтиришдан иборатдир.

Бизнинг Булунғур туманида пенсия хизмати яхши йўлга қўйилди. Туман бўлими учун қулай ва барча шароитлар яратилган иншоот ажратилди. Бинода



тўсиқсиз ҳаракатланиш муҳити яратилди. Ташриф буюрувчилар учун биринчи қаватда махсус қабулхоналар жиҳозланди. Бир сўз билан айтганда, пенсия таъминоти хизмат чинакам ижтимоий давлат тамойиллари бўйича йўлга қўйилди.

Айни пайтда туманимизда ҳаммаси бўлиб 18353 нафар фуқаро пенсия ва нафақалар оладилар. Уларнинг асосий қисми, яъни 15127 нафари ёшга доир пенсия оладиган меҳнат фахрийлари ҳисобланади. Туманимизда 1597 нафар ногиронлиги бўлган шахслар пенсия билан таъминланадилар.

Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда пенсия тайинлаш тартиб-тамойиллари, ҳарқандай бюрократик машмашалардан ҳоли этилиб, соддалаштирилди. Бу борадаги ишлар рақамлаштирилгани соҳага аниқлик ва шаффофлик бахш этди.

Эндиликда фуқароларга пенсия тайинлаш ишида инсон омилини камайтириш, кексаларга, ногиронлиги бўлганларга ва боқувчисини йўқотган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш сифати ошириш чоралари кўрилмоқда. Яъни мазкур соҳада илғор ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларнинг самарадорлигини “Инсон қадри учун!” тамойили асосида қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Бундан ташқари, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида пенсионерларга ҳисобланган, лекин унинг томонидан талаб қилиб олинмаган пенсия суммасини тўлаш муддатини ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача узайтириш, шунингдек, фуқароларнинг пенсия тайинлаш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш ҳуқуқи назарда тутилмоқда.

Қонунда пенсиянинг энг кам миқдори энг кам истеъмол харажатлари даражасидан оз бўлмаслигини белгилаш, пенсиялар миқдорини йил давомида товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси даражасининг ўсиш суръатларини инобатга олган ҳолда ошириб бориш тартиби, шу каби маҳкумларнинг озодликдан маҳрум қилинган даврда амалга оширган фаолияти даврини пенсия олиш ҳуқуқини берадиган фаолият тури сифатида ҳисобга олишга доир талаблар ҳам аниқланмоқда. Шу билан бирга “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида фуқарода давлат пенсия таъминоти ҳуқуқи юзага келганлиги тўғрисида Пенсия жамғармаси томонидан Халқ банкига ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган маълумотлар фуқаронинг пенсия тўловларини олиши учун асос бўлишини назарда тутувчи ўзгартиришлар ҳам киритилмоқда.

Бундай ўзгаришларнинг барчаси ижтимоий давлатимизнинг меҳр ва мурувват тадбирлари билан ҳамоҳангдир.

**Шухрат КОМАРОВ,**
**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Булунғур туман бўлими бошлиғи.**

---

● Анжуман

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАНЛАРГА ИШ ШАРОИТЛАРИ

**Қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда мамлакатимизда истиқомат қилаётган аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди. Бу борада мамлакатимиз қонунчилигида муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.**

Қувасой шаҳридаги 24-умумтаълим мактабининг мажлислар залида ЎзНА Фарғона вилоят ҳудудий бўлими томонидан “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий тадбиркорлик йўналиши бўйича фаолият юритаётган корхоналар фаолиятидаги ўрни” мавзуида семинар тренинг ташкил этилди. Тадбирда ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, касб-ҳунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, умуман инклюзив жамият яратиш бўйича амалга ошираётган ишлар муҳокама этилди. Йиғилиш иштирокчиларини қизиқтирган турли саволларига атрофлича жавоблар берилди.

Тадбир сўнггида ижтимоий ҳимоя тизимида ўзининг жонкуярлиги, ташаббускорлиги билан самарали меҳнат қилиб келаётган ходимлар ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир иштирокчилари кўпгина ногиронлиги бўлган инсонлар самарали меҳнат қилиб келаётган “Mehr nuri daryo” унитар корхонаси фаолияти



билан яқиндан танишдилар.

Бевосита мулоқотга туман Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, ЎзННТМАнинг Фарғона вилоят



бўлинмаси мутасаддилари ва ОАВ вакиллари ҳамда ЎзНА вилоят ҳудудий бўлими қошида ташкил этилган унитар корхона ходимлари иштирок этдилар.

**Амалья СОЛИЕВА.**

---

● Ижтимоий ҳимоя

# ОДАМЛАР КОРИГА ЯРАГАН ИНСОН



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу сингари ўзгаришлар, азалдан руҳиятида тиришқоқлик, ҳаракатчанлик устувор бўлган Моҳиражон учун етарли эмасдек бўлиб туюлди. У жамиятимизда янада фаолроқ бўлиш ва бугун жадаллашаётган тараққиётга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиши кераклигини тушунди. Натижада ўзи компания очиб, уни юритиш билан шуғулланди. У бевосита элга хизмат қилиш билан машғул бўлди.

Бу орада оила ташвишлари билан юрди, унинг қизи Мафтунахон туғилиб улғая бошлади. Одамлар орасида юриб, ўз оиласини тебратар экан у қанчалаб инсонлар билан учрашмади, кимларнингдир оғирини енгил қилиб бермади... Моҳиражон янгича ҳаёт бошланиб, фуқаролик жамияти шаклланаётган мамлакатимизда ўз турмуш тарзини яратаётган одамлар орасида бўлди. Бугунги аёллар, ёшлар муаммолари унга бегона бўлмади. Моҳиражон ҳар доим ўзи ишлади, яратди ва топди. У доим ёнидагиларни ўйлади, уларнинг ташвишларини енгишга кўмаклашди. Аниқроғи, одамлар корига яраш унинг учун энг кўнгилли ишга айлана борди. Масалан, оилавий корхонасининг иши юришмай турган бирор маҳалладошга тўғри йўл кўрсата олиш, кимгадир бирор техника воситаси топиб бериш билан ишларини юриштириб юбориш, кимнингдир бошлаган яратувчилик ишига молиявий кўмак бериш билан бир эмас, ўнлаб кишилар учун қувонч бахшида этиш мумкин. Бундай ёрдам бера олган инсоннинг ҳам кўнгли тоғдек кўтарилади. Савоб иш қила олганидан қалбининг тўрида мамнуният сезади.

Шундай бир пайтда Моҳиражон ўз вилоятида ижтимоий хизматлар билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилот очишга қарор қилди. Наманган вилоятининг “Ижтимоий ҳимоя” жамияти ана шундай ташаббус билан ташкил этилди ва у 2017 йил 6 июлда 242-сон билан вилоят Адлия бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилган бўлиб, ҳозиргача фаолият юритиб келмоқда.

Маълумки, Нодавлат нотижорат ташкилот жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Ижтимоий ҳимоя Ўзбекистон учун қанчалик муҳим эканлигини бугун ҳамма билади. Конституциямизда демократия билан бир қаторда ижтимоий адолатга садоқатнинг кўрсатилиши бежизга эмас. Яқин беш йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида адолатли ижтимоий сиёсат юритиш устувор йўналишлардан бири саналади.

Моҳиражон Мўминова биринчи навбатда вилоятдаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга эътиборни қаратди. “Ижтимоий ҳимоя” жамияти 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидан “Ногиронлиги бўлган хотин-қизларни касбга йўналтириш” мавзуидаги лойиҳага 28 000 000 сўм грант маблағлари ютиб олиб Наманган вилоятидаги Косонсой ва Тўрақўрғон туманларида хотин-қизларни касб-ҳунар ўргатиш ўқув курсларини ташкиллаштирди. Айниқса, унинг яна ўша ташкилотдан хотин қизларни пазандачиликка йўналтириш бўйича олган 30 000 000 сўмлик гранти кўпчиликка манзур бўлди. Бу ташаббус туфайли хотин-қизлар ўртасида пазандачилик ҳаракати кенгайди. Натижада, кўпчилик хонадонларга қут-барака, аҳиллик ва хотиржамлик кириб борди.

2020 йилдан бошлаб “COVID-19” пандемияси бутун дунёда ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқарди. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно бўлмади. Бу даврда Ўзбекистонда ҳам бандлик даражаси сезиларли камайди. Серфарзанд хонадонлар, ўз-ўзини иш билан таъминлашдан тушадиган даромадга эга бўлган уй хўжаликлари, расмий иқтисодий фаолиятдан даромад оладиган уй хўжаликларига қараганда оғирроқ шароитга тушиб қолди. Ушбу вазиятда аҳолининг кам таъминланган ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак кўрсатиш, уларни ҳам моддий ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш борасида “Ижтимоий ҳимоя” жамияти томонидан ҳам муҳим ишлар амалга оширилди. Ҳатто аҳолига беғараз озиқ-овқат, дори-дармонлар тарқатилди.

Пандемия ҳамон тинчимаган пайтдаги бир тадбир жуда фойдали бўлган эди. Бу – 2021 йил Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши ҳузуридаги ННТларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб- қувватлаш жамоат фонди томонидан берилган “Камбағал ва ишсиз фуқароларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш ва меҳнат фаоллигини ошириш мақсадида уларни тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўргатишни ташкиллаштириш” мақсадларидаги “Мадад” номли лойиҳа эди.. Қарийб 30 миллион сўмлик бу лойиҳанинг ҳар бир тадбири аҳоли учун амалий кўмак ва имконият касб этди.

Моҳиражон Мўминова раҳбарлик қилаётган “Ижтимоий ҳимоя” ташкилоти ўз саъй-ҳаракатлари билан Косонсой тумани чегара ҳудудидаги “Истиқлол” МФЙнинг “Эргашобод” кўчасидаги 71 та хонадонда яшовчи 700 нафардан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлади. Шунингдек, “Ижтимоий ҳимоя” “Кўп қаватли уйларда яшовчи болаларнинг ўз вақтини мазмунли ўтказиши, жисмоний ва ижтимоий ривожланишига хизмат қиладиган, шунингдек, болалар учун қизиқарли бўлган жиҳозлар билан таъминланган болалар майдончаларини ташкил этиш” йўналиши бўйича 196 680 000 сўмлик ижтимоий буюртмани олиб, мазкур тумандаги 5-кичик ноҳия, “Янги тонг” ва “Истиқлол” маҳаллалари ҳудудидаги 3-, 4- ва 14-кўп қаватли уйларда яшовчи болажонлар учун ўйин майдончаларини қуриб топширди.

Шуни ҳам айтиш керакки, биргина 2021 йилнинг ўзида “Ижтимоий химоя” жамияти томонидан 17 млн. 960 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди, 9 млн. 244 минг сўмга 2 марта сумалак ва ош тайёрланиб Чуст, Косонсой ҳамда Тўрақўрғон туманларида истиқомат қилаётган кексалар, ногиронлиги бўлган инсонлар, етим болалар ва аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларига тарқатилди, 5 млн. 844 минг сўмлик маиший техникалар беғараз етказиб берилди. Қурбон ҳайитида 5 млн 578 минг сўмлик совғалар улашилди, 12 млн. 100 минг сўмлик озиқ-овқат ва дори-дармонлар тарқатилди, 9,8 млн. сўмдан ортиқ маблағлар эҳсон сифатида берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 10 нафарига жами 2.5 млн. сўмлик костюм-шимлар совға қилинди. Ногиронлиги бор фуқароларга эшитиш аппарати, кўзи ожизлар соати, ходунок олиб берилди. Кам таъминланган оилалар фарзандларига жами 13 млн. сўмлик кийим-бош тарқатилди. Моҳиражон қилаётган



савоб ишлар ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Бир сўз билан айтганда М. Мўминова раҳбарлик қилаётган нодавлат нотижорат ташкилоти вилоят аҳолисининг муҳим ижтимоий таъминот қўрғонига айланди.

Эл корига яраган инсон ҳамма жойда азиз ва мукаррам. Шунинг учун Моҳиражон Мўминовани бугун вилоятда ҳамма яхши танийди. У эл хизматида, мана 30 йилдан бери чарчамасдан фаолият юритиб келмоқда. Бу орада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув Академиясида ННТлар раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш курсини ҳам муваффақиятли якунлади. М. Мўминова 2023 йилда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан таъсис этилган “Энг фаол ННТ” мукофотига сазовор



бўлди. Бугун кўксини кўплаб нишонлар безаб турибди.

М.Мўминова, нодавлат нотижорат ташкилотидаги иш фаолияти давомида ўзининг юқори малакаси, ишига ижодий ёндошиши ҳамда ўзига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва виждонан бажариши, ташаббуслари орқали, нафақат Наманган вилояти, балки мамлакатимиздаги барча нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. У ўзининг тўғри сўз ва самимийлиги, ишдаги масъулиятни ҳис эта олиши, доимо ўз устида ишлаши ва тиришқоқлиги туфайли тизим ходимлари орасида ҳам ўз ўрни ва ҳурматига эга.

Элимизнинг фаол жонкуяри, меҳрибон ва саховатли инсон Моҳиражон ҳамон тиниб-тинчимайди. У доим етишмовчилик ва камчиликларни бартараф этиш учун, ўз атрофидаги барча ҳамюртларнинг бекаму кўст яшаши учун елиб-югуради. Бу вазифа унинг ҳаёти мазмунига айланган. Биз Моҳиражон Мўминовага битмас куч-ғайрат, мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилаймиз.

### МОҲИРАЖОН

**Косонсойнинг чаққон, моҳир қизисиз,**
**Давримизнинг истиқболи, нурисиз,**
**Хонадонни зийрак вазир, ҳурисиз,**
**Меҳрибонсиз, саркорсиз Моҳиражон.**

**Меҳнатсевар, ишга чаққон аёлсиз,**
**Мафтунани соғлом боққан аёлсиз,**
**Ҳам тадбиркор, ҳам қаҳрамон аёлсиз,**
**Сарбонсиз, фидокорсиз Моҳиражон.**

**Гулрухсорсиз, муносибсиз номизга,**
**Бағрингиз кенг, дунё сиғар жонизга,**
**Ногиронлар муштоқдир каломизга,**
**Мезбонсиз, мададкорсиз Моҳиражон.**

**Эллик бешда қошлар камон, навниҳол,**
**Тилингиздан доим томар асал, бол,**
**Ёнингизда минг аёллар ўсал, лол,**
**Посбонсиз, ҳалоскорсиз Моҳиражон.**

**Аллоҳ севган бир бандасиз меҳрибон,**
**Давраларда тўрдасиз, азиз меҳмон,**
**Шукрона неварангиз суяр чунон,**
**Боғбонсиз, омилкорсиз Моҳиражон.**

**Рашид РАУФ.**

• Жамоатчилик назорати







# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ИНСОНЛАРНИНГ ЖАМОАТ ОБЪЕКТЛАРИДАН ЭРКИН ФОЙДАЛАНИШЛАРИ УЧУН ШАРОИТЛАР МАВЖУДМИ?

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмаги асосида Наманган вилоятида ўтказилган жамоатчилик назорати натижалари.**

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Ўрни келганда шуни алоҳида айтиш керакки, гул етиштиришда наманганликларнинг донғи деярли бутун дунёга таралган. Вилоятда қиш кунларида ҳам кишига баҳор тароватини тақдим эта оладиган хонадонларнинг чеки йўқ. Наманган вилоятида узоқ йиллардан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган гуллар фестивали вилоят аҳлини гул етиштиришга қизиқтириш билан бирга, унинг экспорт ҳажмини оширишга ҳам хизмат қилмоқда десак адашмаймиз. Наманган гуллари қўшни Қирғизистон ва Тожикистон мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Жонажон Ўзбекистонимиздаги ислоҳотлар, кечаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, бунёдкорлик шукуҳи, маънавий-маданий ишлар самараси наманганликлар ҳаётига ҳам янгича мазмун киритмоқда. Айтиш жоизки, вилоятда кейинги етти йил мобайнида бир неча ўн йилликларда амалга ошмаган ишлар қилинди. Вилоятнинг энг чет қишлоқларида яшаётган оддий кишиларнинг яшаш шароити тубдан яхшиланди. Ҳатто, туманлардаги қишлоқларда кўчалар, ижтимоий соҳа объектлари, ичимлик сув, газ, электр таъминоти каби муҳим соҳалар билан боғлиқ масалалар ечилди. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари мутлақо замонавий қиёфа касб этди. Бир сўз билан айтганда, одамларни узоқ йиллар давомида ўйлантириб келган муаммолар деярли бартараф этилди.

Бундай ижобий ўзгаришлар, ютуқлар, албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Улар негизида чуқур ўйланган сиёсат, меҳнаткаш халқимизнинг фидокорона меҳнати турибди. Ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик ривожланди, янги-янги давлат ва хусусий корхоналар барпо этилди ҳамда завод ва фабрикалар қурилди. Кўплаб мактаб ва мактабгача таълим масканлари қад ростлади. Хуллас, ҳар бир инсон эркин меҳнат қилиб, даромад топиши, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун ҳамма шароитлар яратилмоқда.

Айниқса, кам таъминланган оилаларни, ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш,





улар учун иш жойлари яратиш ва эркин ва самарали фаолият юритиши учун берилаётган имкониятлар, яратилаётган шароитлар кўлами кун сайин кенгаймоқда. Натижада, ногиронлиги бўлган инсонлар ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш баробарида ўз қўллари билан тайёрлаган маҳсулотларини нафақат ички бозорга чиқармоқда, балки хорижга ҳам экспорт қилишмоқда. Янги иш ўринлари яратиб, ҳатто соғломларни ҳам иш билан таъминлаб, вилоят иқтисодиётига, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишяпти.

Биз, хоҳлаймизми, хоҳламаймизми баъзида теварак-атрофимизда соппа-соғ юрган кишиларни турли тасодиф туфайли қўлтиқтаёққа ёки ногиронлик аравачасига ўтириб қолганига гувоҳ бўламиз. Албатта, ачинамиз. Ҳа, ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бугун соғ-саломат юрган киши, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун ногиронлиги бўлган ва кўмакка муҳтож бўлган инсонларга ёрдам қўлини узатиш ҳар бир виждони бор инсоннинг бурчидир. Буни дилдан ҳис этган юзлаб олийжаноб, саховатпеша одамлар бу тоифадаги инсонларга имкон даражасида кўмаклашмоқдалар.

Мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"си талаблари сўзсиз бажариб келинмоқда. Ушбу Конвенцияда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқлардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини кафолатлаш тамойиллари белгилаб қўйилган. Шунингдек, Конвенцияда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқалар билан тенг равишда маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи эътироф этилган. Конвенцияда маданият асарларидан, телевидение дастурлари, фильмлар, театр ва бошқа маданий тадбирлардан фойдаланиш имконияти бўлган шаклларда фойдаланиш,театрлар, музейлар, кинотеатрлар, кутубхоналар ва туризм хизматлари каби маданий тадбирлар ўтказиладиган ва хизматлар кўрсатиладиган жойлардан, шунингдек, миллий маданий аҳамиятга эга ёдгорлик ва объектлардан энг кўп имконият даражасида фойдаланиш имкониятларига эга бўлишлари, хусусан, уларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган ва уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланган. Бунда, айниқса, ногиронлиги бўлган аёллар, болалар ва кексалар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддасидаги ногиронлиги бўлган шахсларга қулайлик яратиш учун жамоат транспортининг махсус воситалар билан жиҳозланишини, эшитиш қобилияти заиф бўлганлар учун ахборот таблолари ўрнатилишини ҳамда бекатларнинг овозли тарзда эълон қилинишини, шаҳар ва қишлоқ жамоат транспорти воситаларининг йўналишлари ҳамда кўрсаткичлари кескин фарқланувчи рангдаги йирик ҳарфлар билан тасвирланишини, йўловчи поездларининг вагонлари махсус ўринлар билан ва перронлар, шунингдек, темир йўл вокзаллари махсус механик пандуслар билан жиҳозланиши лозим. Тўхташ майдончаларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда жиҳозлаш, шу жумладан, уларга пандуслар ва тутқичлар ўрнатиш, транспорт воситасининг кириш эшиклари олдидаги майдончаларда тактил қопламаларини қўллаш, шунингдек, электрон ахборот таблоларини ўрнатиш, пиёдалар ўтиш жойлари ва чорраҳаларини, кўчалар ва умумий фойдаланишдаги йўлларни ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига мувофиқ мослаштириш керак. Чорраҳаларда товушли ва визуал сигнализация тизимларини ўрнатиш, аэропортларда ва автовокзалларда, йирик темир йўл станцияларида, шунингдек, метрода ногиронлиги бўлган шахсларни транспорт воситаларигача кузатиб бориш, улар учун махсус кутиш жойларини жиҳозлаш, маҳаллий транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилиши керак. Юқорида қонунда белгилаб қўйилган бандлар юзасидан Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида аҳоли учун очиқ ёки тақдим этиладиган бошқа объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш мақсадида жамоатчилик мониторинги ўтказилди.



Ушбу жамоатчилик назорати ва ўрганишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги "Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-20-сонли қарорида белгиланган талаблар асосида олиб борилди. Вилоят ҳудудидаги, мулкчилик шаклидан қатъий назар, аҳолига турли хизматларни кўрсатувчи объектлар ҳамда бошқа шу турдаги жамоат жойларига ногиронлиги бўлган шахсларнинг кириб-чиқиши учун шароитларнинг яратилганлиги, шунингдек, ҳожатхоналарнинг мавжудлиги ва у ерда ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида шароитлар назарда тутилганлиги, Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси тасарруфидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий "Imkoniyat" газетаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси, ЎзНА Наманган вилоят ҳудудий бўлими, Наманган вилоят "Ижтимоий ҳимоя" жамияти, ЎзННТМА Наманган вилоят ҳудудий бўлинмаси, ЎзНЖ Наманган вилоят ҳудудий бўлими, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Наманган шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Наманган вилоят ҳудудий бўлинмаси ва вилоят телевидениеси масъуллари ҳамкорлигида яратилган қулайликлар ўрганилди.

Жамоатчилик мониторинги тарзида ўрганиш давомида ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектларга эркин кириб-чиқиш имкониятининг мавжудлиги – пандус, кўп қаватли объектларга бу тоифадаги инсонлар фойдаланиши учун шароитнинг яратилганлиги, ҳожатхона ва ундан ногиронлиги бор кишилар фойдаланиши учун қулайликлар бор-йўқлиги, темир йўл вокзали, туризмга киритилган маданий мерос объектларда, ташкилот ва муассасаларда, автошоҳбекатларда уларга махсус жойлар ажратилганлиги, шунингдек, тўхтаб туриш жойининг йўл белгилари ҳамда жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун алоҳида махсус жойнинг йўл чизиқлари ва жиҳозланган ҳолатларига асосий эътибор қаратилди.

Бугунги кунда вилоятда жами 73217 нафар ногиронлиги бўлган фуқаролар истиқомат қилади. Шулардан 12005 нафари болаликдан ногиронлиги бўлган шахслардир. Уларнинг 5774 нафари 1-гуруҳ, 49933 нафари 2-гуруҳ, 5005 нафари 3-гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаролардир.

Ўрганишлар давомида Наманган вилоят спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган спорт мактабида жамоатчилик назорати олиб борилди. Мактаб ҳудуди 4,7 гектар. Бу даргоҳда 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ҳаваскор ёш йигит-қизлар ўзларини қизиқтирган спорт турлари билан шуғулланишади. Ҳозирги кунда 800 нафар ёшлар мактабда спортнинг 12 тури билан шуғулланиш имкониятига эгалар. Биргина ўтган йилнинг ўзида бу даргоҳдан ўнлаб Ўзбекистон чемпионлари етишиб чиқди. Турли мусобақаларда иштирок этган жами совриндорлар сони 350 нафарга етди. Албатта, уларнинг орасида ногиронлиги бўлган ёш спортчилар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Спорт мактабида ногиронлиги бўлган спортчилар учун барча шароитлар яратилган. Бинога кираверишда рисоладагидек пандус бор. Унинг икки тарафида тутқичлар мавжуд, кенглиги, қиялик даражаси ва юзаси сирпанчиқ эмас, талабга тўлиқ жавоб беради. Хона эшикларининг кенглиги меъёрида. Бироқ, ҳожатхона тўлиқ талабга жавоб бермайди, тутқичлар ўрнатилмаган.

Жамоатчилик назорати шаҳардаги Ўзбекистон Бадиий академияси Наманган вилоят бадиий ижодкорлар уюшмаси, Мулла Қирғиз мадрасаси меъморий ёдгорликларида давом эттирилди. Кузатув-ўрганиш жараёнида зиёратгоҳларга кириш йўлининг ҳолати талаб даражасида. Бироқ, ҳар иккала объектлар ичкарисида ногиронлиги бўлган шахслар учун етарлича шароитлар яратилмаганлигига гувоҳ бўлдик. Ногиронлиги бўлган шахслар эркин ҳаракатланиб юришлари учун пандуслар ўрнатилмаган. Ногиронлиги бўлган шахслар транспортини қўйиш учун махсус жойлар йўқ.

Наманган вилояти мусиқали драма театрида ҳам пандус қияликлари асло талабга жавоб бермайди. Бир томонлама қилинган тутқич мустаҳкам қотирилмаган, тутсангиз қимирлаб, нари-бери бориб келади. Ҳожатхона ҳолатини гапирмаса ҳам бўлади. Томошага келган ногиронлиги бўлган фуқаролар учун мутлақо шароит яратилмаган. Бугун кўпчилик раҳбарлар ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит яратиш учун қайғурмоқда. Ўз ташкилотларида жисмоний имконияти чекланган шахслар учун ҳожатхоналарни мослаштиришмоқда ва пандуслар ўрнатишмоқда. Ўрганиш давомида минг афсуски, бундай эзгу ишлар вилоят мусиқали драма театри раҳбарлари ҳаёлига ҳам келмаётганига гувоҳ бўлдик. Уларнинг ногиронлиги бўлган шахслар учун жиддий эътибор қаратмаётганликлари ажабланарли. Мамлакатда бўлаётган ислоҳотлардан, ўзгаришлардан, наҳотки улар бехабар бўлишса?!

Вилоят Қўғирчоқ театрида ҳам мониторинг ишлари олиб борилди. Асосий кириш қисмида пандус бор. Бироқ, тутқичи йўқ. Юқори қаватга кўтарилиш учун замонавий лифт мавжуд. Эркак ва аёллар учун алоҳида-алоҳида ҳожатхоналар бор. Хонага кириш, ҳожатхонанинг ички қисми ногиронлиги бўлган инсонлар фойдаланиши учун замонавий услубда, талаб даражасида мослаштирилган. Бироқ, ҳожатхонага тутқич ўрнатилмаган. Залда бироз нотекисликларни инобатга олмасак, барча шароитлар муҳайё. Ўриндиқлар замонавий, хоҳласангиз кўтариб, хоҳласангиз пасайтириб ўтириш имконияти мавжуд.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2016 йил 2 ноябрда Учқўрғон туманида ўтказилган сайловолди учрашувида вилоятдан етишиб чиққан алломалар хусусида гапириб, Тўрақўрғон туманида туғилиб ўсган Исҳоқхон Ибратга ҳам алоҳида тўхталиб, маърифатпарвар ҳамюртимиз номини абадийлаштириш зарурлигини айтган эди. Шу учрашувдан озгина вақт ўтганидан сўнг – декабрь ойлари бошларида Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги ёнбошида зиёратгоҳ, музей, махсус тил ўрганиш мактаби ва боғларни ўз ичига олган мажмуа барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қисқа муддат ичида лойиҳа натижага айлантирилди.

Навбатдаги кузатув-ўрганиш ишлари ана шу маданий мерос объекти ҳисобланган Исҳоқхон Тўра Ибрат музейида олиб борилди. Айтиш жоизки, зиёратгоҳ ҳудудида зиёратчилар тадбирлар ўтказиши,



китоб мутолаа қилиши учун қироатхона мавжуд. Зиёратгоҳда зиёратга ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий зиёратчилар учун шароитлар етарли. Афсуски, бу ерда ҳам ногиронлиги бўлган фуқаролар учун шароитлар яратилмаган. Пандус йўқ. Ҳожатхона ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилмаган. Хуллас, ўрганиш даврида мавжуд бўлган хато ва камчиликлар ҳақида Ибрат мажмуаси раҳбарига тегишли маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Ўрганишлар давомида Наманган шаҳар "Банк" кўчаси 9-уйда ҳам ногиронлиги бўлган шахсларга объектга эркин кириб-чиқиш имкониятлари яратилмаган. Бино зинапоясига ўрнатилган пандус амалдаги талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги кузатилди. Қолаверса, бу бинога Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти вилоят ҳудудий бўлимлари, Ўзбекистон Нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Давлат архиви ва шу каби кўплаб нодавлат-нотижорат ташкилотлари жойлашган.Ташкилотлар раҳбарлари ногиронлиги бўлган шахслар учун бир неча маротаба юқори давлат ташкилотларига мурожаат қилишган. Афсуски, мурожаатлар жавобсиз қолиб кетаверган. Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасида: "Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг, шу жумладан, ўриндиқли аравачалардан ҳамда етакловчи итлардан фойдаланувчи шахсларнинг барча ижтимоий инфратузилма объектларига (турар-жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томоша муассасаларига ҳамда бошқа муассасаларга) монеликсиз кириши учун шарт-шароитлар яратиши шарт деб белгилаб қўйилган. Ўйлаймизки, Наманган шаҳар ҳокимлигининг қурилиш соҳаси бўйича мутасаддилари бу борада бирор жўяли гап айтишса, ажабмас.

Шунингдек, вилоятдаги Наманган тарихи ва маданияти давлат музейида, "Афсоналар боғи"да,



Автовокзалларда, "Буюк ипак йўли", "Шедевр Плаза" меҳмонхоналарида, Тўрақўрғон туманида жойлашган Руҳий асаб касалликлари шифохонасида, "Нодирабегим" кутубхонасида ўтказилган жамоатчилик мониторингида кузатув-ўрганиш олиб борганлар томонидан ютуқлар эътироф этилди ва мавжуд камчиликларни тез кунларда бартараф этиш юзасидан маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Кундалик ҳаётимизда – транспорт, овқатланиш шаҳобчалари, хизмат кўрсатиш объектлари, маданий –кўнгилочар масканларда ногиронлиги бўлган инсонлар учун зарур шароитлар яратилмаганига дуч келамиз. Шу ўринда айтиш жоизки, гарчи бироз қўполроқ бўлса-да, қорни тўқнинг қорни оч билан иши йўқ деганларидек, ҳамиша



ҳам уларнинг дарду ташвишлари ҳақида, ҳаёти ҳақида ёки маданий ҳордиқ чиқариши ҳақида кўп ҳам ўйлайвермаймиз. Бироқ, бу билан ҳаёт тўхтаб қолмайди. Сизу биз билан бирга яшаб келаётган баъзи ногиронлиги бўлган инсонлар "мен ногиронман, имкониятим чекланган" демай имкон қадар жамиятда илғор бўлишга, ҳаётда ўз ўрнини топиб муносиб яшашга ҳаракат қилишади. Энг эътиборли томони шундаки, уларнинг кўпчилиги инсоният, жамият тараққиёти учун баъзи соғлом инсонлардан кўра кўпроқ фойда келтиради. Ҳатто тўрт мучаси соғломларни ҳам иш билан таъминлайди. Бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, қолаверса, Наманган вилоятида бундай метин иродали, матонатли ҳунарманд, ишбилармон, тадбиркор инсонларни кўплаб учратиш мумкин.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, айниқса, ногиронлиги бўлган фуқароларга ҳаётда тенг имконият ва шароитлар яратиш энг муҳим масалалардан саналади. "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида ногиронлик белгисига кўра камситилишига йўл қўймаслик тамойили акс эттирилгани, унга кўра, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал кўриш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишни рад этиш тақиқланишига алоҳида урғу берилган. Хулоса қилиб айтиш керакки, вилоятда шу кунга қадар ногиронлиги бўлган шахслар учун кўплаб бино ва иншоотлар, жамоат транспортлари мослаб жиҳозланмаган. Мавжуд бекатлар ва йўналишларда эшиттирувчи, электрон маълумот-



лар таблолари каби махсус воситалар йўқлиги билан боғлиқ муаммолар талайгина. Ногиронлиги бўлган инсонлар ҳар қандай ижтимоий объектлардан ва хизматлардан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланишлари шарт. Бу борада вилоятдаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ўйлаб кўришлари лозим. Вилоятда истиқомат қилаётган ногиронлиги бўлган шахслар, кўмакка, эътиборга муҳтож. Бу эса, ўз навбатида, ногиронлиги бўлган кишиларнинг ҳаётида турли хил тўсиқларни келтириб чиқариши мумкин. Ана шуларни инобатга олиб, вилоятдаги мутасадди ташкилотлар вакиллари ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, тўсиқсиз ҳаракатланишлари ва мослашуви самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни тез кунларда ишлаб чиқишлари зарур.

**Узукжамол НАЗАРОВА.**

**Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондига "Imkoniyat" газетаси томонидан тақдим қилинган "Тенг шароитлар – тенг имкониятлар" лойиҳа доирасида чоп этилди.**

● Спорт

# БЕШ ТАШАББУС ПАРАЛИМПИАДАСИ

**Кейинги йилларда мамлакатимизда спортга катта аҳамият берилмоқда. Президентимиз таълим борасида кўтарган беш ташаббусининг биттаси спортга тааллуқлидир.**



Спорт борасидаги ютуқларимиз ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш лозим бўладики, Ўзбекистонда спорт турлари билан биргаликда паралимпия ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Паралимпиячиларимиз халқаро мусобақаларда мамлакатимиз байроғини ғоят юқорига кўтармоқдалар.

Бундай ютуқларга катта тайёргарликларсиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларида паралимпиячиларимиз ўз кучларини синаб кўрмоқдалар. Яқинда Марғилон шаҳрида ногиронлиги бўлган ёшларнинг имкониятларини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида шаҳардаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Беш ташаббус паралимпиадаси" шаҳар босқичи ўтказилди.

Бу беллашувларда шаҳардаги барча маҳаллалардан 175 нафардан зиёд ногиронлиги бўлган



ёшлар иштирок этиб, ғолиблик учун беллашдилар.

"Беш ташаббус паралимпиадаси" иккинчи мавсуми доирасида ўтказилган "пара шахмат", "пара шашка", "пара енгил атлетика", "пара стол теннис", "пара бадминтон-спорт" йўналишларида ғолибликни қўлга киритганлар мусобақа якунида муносиб тақдирландилар.

Мазкур мусобақаларни Марғилон шаҳар ҳокимлиги, Ёшлар ишлари бўлими ҳамда «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази ҳамкорликда ташкил этдилар.

**Муштарий ТЎЙЧИЕВА.**

● Фан беллашувлари

# ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШГА ИШТИЁҚ

**Мамлакатимиздаги мактаблар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг совриниучун "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танловига старт берилган эди.**



Мактаблар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уларда хорижий тилларни ўқитишнинг даражаси ва сифатини оширишни рағбатлантириш, педагог-ўқитувчиларнинг хорижий тилларни ўрганишга қизиқишини ошириш, ўқитиш сифати бўйича халқаро мезон ва стандартларга мувофиқ юқори кўрсаткичларга эришишга замин яратиш танловнинг мақсади ҳисобланади.

Мазкур кўрик-танлов Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида қизғин беллашувлар билан ўтди. Биринчи ўринни туманимиздаги – 4- мактаб, иккинчи ўринни 5-мактаб ва учинчи ўринни 1-сонли ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби қўлга киритди.

Биринчи ўринни эгаллаган 21-мактабнинг ушбу ютуқларни қўлга киритишида билим даргоҳининг ўқувчиларидан Дилфуза Зокирова, Зайнаббегим Хомидова, Одина Бахтиёрова, Муҳаммад Баҳодиров ва Малика Абдусамадова каби билимдон ўқувчилар тўплаган баллар муҳим аҳамият касб этди. Танлов давомида туманимизда таълим олаётган болалар ўзларининг, айниқса, инглиз тилини ўрганиш борасидаги қобилиятларини намойиш қилдилар.

Маълумки, танловда иштирок этиш истагини билдирган мактаб ҳар йили 20 сентябрга қадар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ахборот тизимида мактаб терма жамоасини рўйхатдан ўтказади. Рўйхатдан ўтган мактаб ҳар йили 20 октябрга қадар ахборот тизимига хорижий тилларни ўқитиш бўйича белгиланган асосий кўрсаткичларни киритади. Ҳар бир мактабдан битта тил бўйича битта терма жамоа иштирок этиши мумкин. Терма жамоаларимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун «Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб» танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида 7-9-синфларда таҳсил оладиган 5 нафар ўқувчидан ташкил топди.

"Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" кўрик-танлови мактабларимизда чет тилларни ўрганишга қизиқиш ва иштиёқни янада юқори босқичга кўтарилишида муҳим омил бўлмоқда. Соғлом рақобат ва ошкоралик муҳитида ўтган кўрик-танловлар мактаб ўқувчиларида катта таассурот қолдирди. Муҳими, тил ўрганиш сингари тараққиётнинг муҳим омилига болаларимиз катта эътибор, аниқроғи амалий муносабат билан ёндоша бошладилар.

**С. МИНГБОЕВ,**
**Каттақўрғон туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи**

● Инсон қадри

# ЭЛ АРДОҚЛАГАН ИНСОН



**Халқимиз "Меҳнат қилган элда азиз", деб бежиз айтмайди. Босим ҳожи Қаюмов ҳам бир умр ҳалол меҳнат қилиб, катта ҳурмат ва эътибор қозонган табаррук инсонлардан бири эди. Шу боис, уни нафақат Булунғур туманида қолаверса, қўшни туманлардаги ёру дўстлари, қавму қариндошлари, курсдошлари ҳам яхши эслашади, порлоқ номини қадрлашади. Бу мўътабар инсон таниқли тадбиркор сифатида бутун онгли ҳаётини туман фаравонлиги, ободончилиги, қолаверса, иқтисодиётини юксалтириш йўлида ҳормай-толмай самарали меҳнат қилишга сарфлади. Босим ҳожи Қаюмов ҳаёт бўлганида бу йил муборак 90 ёшини қаршилаган бўларди. Начора, ўлим ҳақ…**

Босим ҳожи Қаюмов Бахмал туманининг Камар қишлоғида туғилиб вояга етди. Қаюмов 1953 йили ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, ҳужжатларини Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг чорвачилик соҳаси йўналиши бўйича ўқишга топширади. 1957 йили институтни тугатганидан сўнг Булунғур туманидаги туман матлубот савдо корхонасида меҳнат фаолиятини бошлайди. Дастлаб товаршунослик бўлимида оддий хизматчи, кейинчалик экспедитор вазифаларида фаолият кўрсатиб тажриба орттиради. 1963 йили Товаршунослик бўлими бошлиғи ўринбосари вазифасига тайинланади. Кўп ўтмай ҳужжатларини Самарқанд кооператив институтининг "Савдо соҳасида бухгалтерия ҳисоби" факультетига сиртдан ўқишга топшириб, иккинчи мутахассислик бўйича ҳам билимини ошириб боради. Туман раҳбарияти Босим ҳожи Қаюмовга катта ишонч билдириб, уни 1968 йили туман тайёрлов корхонасига директор этиб тайинлайди.

Ўз вазифасини сидқидилдан адо этиш баробарида Булунғур шаҳри кўчаларини ободонлаштириш, кўчат экиш, йўлларини равонлаштириш, аҳолини электр ва ичимлик суви билан таъминлаш ишларига ҳам бош бўлди. Тадбиркорлиги туфайли корхо-




нада олди-сотди ишларини давр талаблари даражасида ташкил этишни кундалик иш фаолиятининг бош мезони деб билди. Аҳолини озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотлари ва хўжалик моллари билан таъминлаш мақсадида кўплаб савдо дўконлари, умумий овқатланиш шаҳобчалари қурилишининг ташкилотчиларидан бирига айланди. 1975 йили эса Булунғур туманидаги туман матлубот савдо корхонаси қошидаги бўрдоқичилик базасига директор этиб тайинланди. Бу масъулиятли вазифада нафақага чиққунга қадар самарали меҳнат қилди Матлубот соҳасидаги намунали хизматлари учун туман ва вилоят ҳокимликларининг "Фахрий ёрлиқ"лари ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Ҳашар – элга ярашар, деганларидек", нафақага чиққач, ҳожи бобо уйида тинч ўтираолмади. У ўзининг ҳаракатчанлиги билан "Навбаҳор" маҳалласининг ташкил этилишига асос солди. Маҳаллага янги бино қурилди. Янгидан-янги кўчалар пайдо бўлиб, асфальт ётқизилди. Маҳалла ҳудудига мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, кўп ўтмай бу маҳалла ҳам "Обод маҳалла"га айланди. Унинг бевосита ташаббуси билан ёшлар учун мини футбол стадиони қурилди. Ўз жамғармаси ҳисобидан туман марказидаги "Ўзбекистон" кўчасида хусусий шифохона, "Алпомиш" кўчасида тўйхона қуриб, эл-юрт олқишига сазовор бўлди. Натижада, келин-куёвлар, суннат тўйлари ана шу масканда ажойиб тарзда ўтадиган бўлди.

2019 йили Босим ҳожи Қаюмовнинг турмуш ўртоғи Зулхумор ҳожи она билан 60 йиллик олтин тўйлари бўлиб ўтди. Улар 2 ўғил ва 4 нафар қизларни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди. Айни пайтда Босим ҳожи бобонинг фарзандлари олий маълумотли мутахассис сифатида мустақил юртимизнинг янада гуллаб яшнаши учун турли соҳаларда оталари каби ғайрат билан самарали меҳнат қилишмоқда. Бугунги кунда 20 нафарга яқин неваралари, 40 нафардан ортиқ эваралари Зулхумор ҳожи онанинг атрофида гирдикапалак бўлишмоқда...

Яқинда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Нуроний" жамғармасининг туман бўлимида Босим ҳожи ўғилларининг ташаббуси би-



лан бу табаррук инсон хотирасига бағишлаб кекса нуронийлар ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда Булунғур туманидан, шунингдек, қўшни Бахмал, Жомбой туманларидан 50 нафардан ортиқ маҳоратли шахматчилар ғолиблик учун дона суришди. Мусобақа олдидан марҳум хотираси ёдга олиниб, қуръон тиловат қилинди. Қизғин баҳслар остида ўтган турнирда "Эрганакли" маҳалласидан Салоҳиддин Алиқулов 1, "Булунғур" маҳалласидан Анорбой Ҳожиев 2-, "Бедана" маҳалласидан Салим Эшмаматов 3- ўринни эгаллашиб туман ҳокимлигининг "Фахрий ёрлиқ"лари ҳамда фарзандлари томонидан таъсис этилган қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Мусобақадан сўнг нуронийлар бир пиёла чой атрофида Босим ҳожининг халқ учун қилган эзгу ишларини эсга олдилар.

**Холбой ҚОСИМОВ,**
**муаллиф олган суратлар.**

# ТАБАРРУК ОДАМ ЭДИ

**Раҳматли Мўминжон бобони ўзининг қўшниси, қадрдони Худойқул бобо Раҳмонов бир сўз билан "элнинг олди одами эди" деб баҳолади.**

Маҳаллада ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракати кундалик воқеалар, ўзаро мулоқоту муносабатлар туфайли ипидан игнасига қадар аниқ кўзга ташланади. Одатда бирор ваколати бўлган амалдор ҳақида бундай гапларни кўпроқ гапиришлари мумкиндир. Бундай одамлар ваколатидан фойдаланиб, кимларнидир ишларини юриштириб юборган, қандайдир юқори лавозимларга тавсия этган бўлиши мумкин. Аммо бу гал мақтов оддий бир деҳқон учун айтилмоқда.

Инсонни ҳаёт улғайтиради, синовдан ўтказади ва етуклик сари ундайди, дейдилар. Мўминжон бобо шундай ҳурматга сазовор бўлиш учун жуда катта, оғир, машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Машаққатга тўла йиллар ўтиши билан унинг кўз ўнгида ҳувиллаб ётган, руҳи учган қишлоқлар ўзини ўнглади. Усти шиферланган, бирмунча қулай уйлар қурилиб, овуллар кўзга яқин, кўнгилга ўтирадиган масканга айлана борди. Ҳовлиларда тўйлар қилиниб, куй-қўшиқлар янграйдиган бўлди.

Мўминжон ота Худойқулов Ургутнинг Қаландар қишлоғида туғилди. Бу жойларда ўша пайтларда яшаш бирмунча ибтидоий тарзда, тирикчилик бир нави ўтиб турар эди. Шундан кейин бошланган Иккинчи жаҳон уруши пайтида Мўминжон эндигина 11 ёшга кирган эди. Ҳаёт тарзи янада мушкуллашган шу йилларда ёлғиз фарзанд бўлган Мўминжон отасидан ажралиб қолди. Натижада уни тоғаси қарамоғига олди.



Бу инсон эсини таниганидан бошлаб фронт учун хизмат қилди. Чунки катталар урушга кетган, қишлоқларда мудофаа учун бажариладиган барча ишлар шу ёшдаги болалар зиммасида қолган эди. Уруш тугаганда Мўминжон эсини таниган тийрак, заҳматкаш ва ғайратли ўсмирга айланган эди.

Ғалабадан кейинги йиллар бирин-кетин муваффақиятлар билан кеча бошлади. Одамларнинг дастурхонига йилдан-йилга файз кира бошлади. Болалар мактабларга қатнаб ўқишга меҳр қўя бошладилар.

Уруш йилларида катталарнинг вазифаларини адо этган ва айни пайтда кучга тўлаётган Мўминжон каби ёшлар учун янгича ҳаёт ва яратувчилик ишлари ғоят мароқли ва ёқимли машғулот эди.

Шу пайтларда вазият тақозоси билан Мўминжонлар оиласи Самарқанд туманининг Чаққа қишлоғига кўчиб келиб, шу ерда яшай бошлайди. Кўҳна ва навқирон Самарқанднинг атрофидаги қишлоқлар аста-секин мева-сабзавотчиликка ихтисослаша бошлайди. Мўминжон ўзлари яшаётган хўжаликнинг энг илғор, ишончли ва ғайратли ишчисига айланди. Уни мироб этиб тайинладилар. Мўминжон расамади билан сув таъминотини қилган далаларда мева ва сабзавотлар қанчалик қулф уриб яшнаса, қишлоқлардаги ҳаёт ҳам шунга яраша гуллаб-яшнаб, изга туша бошлади.

Эндиликда улғайиб, хўжаликнинг илғор ишчиси бўлган Мўминжон Худойқулов ўз оиласини қурди, унга уй-жой учун ер ажратишди. Муҳими, чинакам паҳлавон бўлиб улғайган Мўминжон ака бир умр далада меҳнат қилди. Деҳқончиликнинг ҳадисини олиб, режаларни бажариб келди.

Оилада бирин-кетин фарзандлар улғая бошлади. Уруш йиллари заҳматининг бир четини кўрган Мўминжон ака учун бугунги меҳнат, бугунги ташвишлар унчалик оғир бўлиб туюлмади. У айниқса, далаларга ўз меҳрини беришдан завқ ҳисларини туйди. Шунинг учун қишлоқда уни ҳурмат қилишадиган, давраларнинг тўрига ўтказишадиган бўлди. Бошқача айтганда, унинг меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, тўғрисўзлиги ва ҳар доим ўзгалар учун кўмакка тайёр туриши билан халқ ичида ҳурмат қозонди.

Мўминжон ака ҳар бир ишга жиддий ёндошар, ҳар қандай муаммони энг осон ва энг самарали ҳал этиш йўлини топа олар эди. Айниқса, қишлоқдаги қадриятлар улуғланадиган тўй-томошалару маросимларнинг бошида бўлди. Шунинг учунми, кейинги йилларда уни қишлоқ аҳли шу ҳудуднинг оқсоқоли сифатида кўра бошлади. Яъни инсонийлик фазилатлари бисёр бўлган, ҳаёт қийинчиликларида сабоқ олиб барчага елкадош, ҳамроз бўлиб яшайдиган бу инсон элнинг олди одамига айланган эди.

Мўминжон бобо оиласида 5 ўғил, 3 қизни вояга етказди. Ўзи ўқимагани учун уларни ўқитди, мутахассис қилиб тарбиялади. Бундан икки йил илгари отахон 92 ёшида бандаликни бажо келтирган пайтда 22 нафар невараси, 20 нафар эвараси унинг ортидан кўзларини ёшлаб қолди. Чунки, бу сингари ибратли ҳаёт кечирган меҳнаткаш, меҳрибон, фидойи инсонларнинг қадри ғоят баланд бўлади. Бизнинг фуқаролик жамиятимиз учун Мўминжон бобо сингари самимий, оддий ва салоҳиятли инсонлар доим намуна бўлиб қолади.

**Зиёдулла МАМАТОВ.**

● Тараққиёт пиллапояларида

# АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ ЙЎЛИДА

**Бугунги кун янги форматдаги ишбилармон аёлларни тайёрлаш масалага замонавий, креатив ёндашувларни талаб этади. Шунинг учун аниқ касб ва ҳунарлар асосида ҳаракат қилиш "Тадбиркор аёл" халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.**

Тошкент вилояти "Тадбиркор аёл" халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан 2023 йилда жами 250 нафар хотин-қизлар "Бизнес асослари" лойиҳаси бўйича ҳамда касб-ҳунарга йўналтириш борасида семинар-тренингларда ўқитилди. Масалан, Бўстонлиқ, Паркент, Пискент, Бекобод, Ўртачирчиқ, Зангиота, Бўка туманларидаги уйда бўш ўтирган аёлларни Швейцария лойиҳаси бўйича ўқитилди. Шундан 75 нафари банкдан кредит олиб ўз бизнесини бошлади.

2024 йилнинг январь, февраль, март ойларига қадар Бўка туманда 22 нафар, Олмалиқ шаҳрида 25 нафар "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"даги хотин-қизларга German Sparkassenstiftung for International – Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди кўмагида бир қатор янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа бўйи-




ча аёллар семинар-тренингларда ўқитилди. Ўртачирчиқ туманида "Аёллар дафтари"даги 80 нафар аёлллар учун «Ўз бизнесингни бошла» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Аёллар Тошкент вилояти "Тадбиркор аёл" халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан ўқитилди. Уларга имтиёзли кредит олиш учун Сертификатлар берилди.

Бугунги кунда тадбиркор хотин-қизлар ишлаб чиқарган маҳсулотларини экспорт қилиш йўлга қўйилмоқда. Тадбиркор аёллар халқаро кўргазмаларда, ярмаркаларда, халқаро конференцииияларда иштирок этишмоқда. Тошкент вилоятида истиқомат қиладиган тадбиркор аёлларни, умуман олганда, вилоятдаги хотин-қизларнинг муамоларини ҳал қилишда, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлашда, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва гендер тенглик масалаларида психологик ёрдам кўрсатишда ассоциация ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда иш олиб бормоқда. Хотин-қизларни касбга тайёрлашда Тошкент вилояти Тадбиркор аёллар ассоциациясига Тошкент вилояти прокуратурасидан М. Ашурова, Тошкент вилояти ИИБ дан Ш. Содиқова, Тошкент вилояти "Оқила аёллар ҳаракати" аъзоси М. Мамадалиева яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шунингдек, тижорат



банклари билан яқиндан иш олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлардан мақсад – аввало хотин-қизларни бандлигини таъминлаш, бу билан камбағалликни қисқартириш, қолаверса, жиноятчиликнинг олдини олиш ва оилаларни мустаҳкамлашдан иборатдир.

**Холида ҚОБУЛОВА.**

● Йўл ҳаракати хавфсизлиги

# ЙЎЛ ҚОИДАСИ – ЮКСАК МАДАНИЯТ БЕЛГИСИ

**Транспорт воситалари оғиримизни енгил қилади, бизни кўзлаган манзилимизга етказади, узоқ сафарларда бизнинг ишончли хизматкоримиз бўлади. Бугунги кунда кўчаларимиздаги машиналар сони тўхтовсиз кўпайиб борар экан, бу – турмуш тарзимизнинг яхшиланиб бораётганидан, тараққиёт суръати жадал давом этаётганидан далолат беради. Аммо транспорт воситалари кўчаларимизга тўлиб бораётган бир пайтда улар асосида бўладиган ҳалокатлар сони ҳам ортар экан, турмушимиздаги бу қувончли янгилик татимайди.**

Бизнинг Самарқанд вилоят ИИБнинг жамоат хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг туманлараро 2-рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлинмаси автотранспорт ҳайдовчиларининг профессионал савиясини ошириш, рулга ўтирадиган ҳар бир инсоннинг кўча қоидалари борасидаги билимларини ошириш борасида барча имкониятларни ишга солмоқда.

Аввало, бизнинг бошқармамизда аҳоли билан ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бизнинг ташкилот рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш билан биргаликда кенг кўламда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тарғибот ва ташвиқот олиб борадиган даргоҳга айланган

Соҳамиз ходимларининг маънавий билимини янада оширишда муҳим аҳамият касб этувчи мўъжаз, лекин жуда керакли қўлланма ва адабиётлар билан бойитилган кутубхонамиз ҳам бор. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тарихидан ҳикоя қилувчи музей фонди эса фахрийларнинг бевосита ёрдами билан кундан-кунга бойимоқда. Бизнинг хизматимиз кейинги пайтларда кескин фаоллашди. Илгарилари 3-4 ходимга битта хизмат хонаси, бор-йўғи 2 та компьютер бўлар эди. Ушбу замонавий бинода ҳар бир бўлим учун алоҳида хона, ходимларга алоҳида замонавий компьютерлар жамланмаси ажратилган. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида фуқароларнинг мурожатларини қабул қилиш учун махсус хона ташкил қилинди.

Биз фуқаролик жамиятимиз кундан-кунга шаклланиб бораётган экан, барча саъй-ҳаракатлар ва ислоҳотлар инсон қадр-қимматини ва шаънини улуғлашга қаратилган экан, кўчада автотранспорт билан ҳаракатланиш ҳам ҳар бир фуқаро маданиятининг узвий қисми бўлиб қолиши керак. Ҳар бир инсон эҳтиёткорлик билан, тезликни оширмасдан, қоидаларга сабр билан риоя қилиб ҳаракатланса ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аяган, ҳурмат қилган бўлади.

Бизнинг жамоа аъзолари кўпинча ташриф буюрган ҳайдовчилар билан жонли мулоқот олиб боради. Шунингдек, Самарқанд шаҳри ва вилоятлардаги маҳаллаларда учрашувлар ўтказамиз. Яқинда шундай учрашув Самарқанд туманидаги уч мингдан ортиқ аҳоли 155 хонадонда истиқомат қиладиган "Қўшкўпир" маҳалласида бўлиб ўтди. Айниқса, мактаблардаги учрашувлар ўзининг яхши самарасини беради. Бизнинг учрашувларга қишлоқда яшайдиган нуронийлар ҳам қатнашмоқда. Чунки, ёшлар доим ёши улуғ инсонлар назоратида бўлади. Бу маҳалладаги фаолларнинг "Бир нуроний ўн нафар ёшга мураббий" деган шиори бор. Уларнинг ўгитлари асосида болалар кўчани фақат рухсат этилган жойидан, светофор чироғига амал қилган ҳолда кесиб ўтишни ўзиларга қоида қилиб оладилар. Бундай болалар улғайиб транспорт воситасини бошқарганларида ҳам йўл қоидаларига амал қиладиган бўлади. Биз суҳбатларда спиртли ичимликлар ичиб машина ҳайдаш оқибатлари борасида суҳбатлашдик. Бундай ҳолатлар-



нинг камайиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Биз борган маҳалламиздаги светофорларнинг ҳолати, ўтиш жойларининг қоидага мувофиқ белгилаб қўйилганини текшириб, камчиликларни бартараф этиб қайтамиз.

Қисқаси, биз ички ишлар ходимлари барча ишларимизни адолат қоидаларига мос тарзда, шаффоф ҳолда олиб боришга, муҳими имтиҳонларни юқори савияда ташкил қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Чунки, биз аниқлайдиган билим савияси кўчаларимизда бўладиган турли кутилмаган тасодифий ҳолатларни кескин камайтиришга хизмат қилади.

**Зафар НАСРИТДИНОВ,**
**Самарқанд вилояти ИИБ ЖХХ ЙҲХБ 2-рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлинмаси бошлиғи.**



IMKONIYAT
IJTIMOIY-SIYOSIY, HUQUQIY VA MADANIY GAZETA
Муассис: Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси

Бош муҳаррир Узукжамол НАЗАРОВА

Таҳрир ҳайъати: Адҳам Икромов, Озодбек Назарбеков, Акмал Саидов, Ойбек Исоқов, Жамшид Обрўев, Светлана Ортиқова, Камолиддин Ишанхўжаев, Усмон Азим, Рашид Раупов, Тўрахўжа Эрхўжаев.

2023 йил 19 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва коммуникациялар агентлигида 132096-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 275. Ҳажми — 2 босма тобоқ. Қоғоз бичими — А2. Баҳоси келишилган нархда.

"Imkoniyat"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Манзилимиз: 100027. Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси 1-уй. Телефон: (94) 653-47-70. (94) 601-59-57. Буюртма Г-509. Адади 700.

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета "Imkoniyat" газетаси таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти – 20-00. Босишга топширилди 20.00.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Рашид РАУПОВ. 1 2 3 4 5 6.